

2020-2022 йиллар давомида бир неча марта миллий валюта – сўмнинг Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиб кетиши кузатилди. Масалан, сўмнинг реал самарали алмашув курси 2022 йилнинг июль ойида июнь ойига нисбатан 2,1 фоизга ошган бўлса, шу йилнинг август ойида июль ойига нисбатан 1,4 фоизга ошди [10].

Бангладеш тажрибаси кўрсатадики, корхоналарнинг экспорт тушуми миқдори ва барқарорлигига маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг бож солиғи ставкалари даражаси бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Бангладешдан экспорт қилинаётган товарлар учун АҚШда бож солиғи ставкалари жуда юқори бўлиб, даражасига кўра тўртинчи ўринни эгаллар эди. 2006 йилда Бангладешнинг АҚШга экспорти ҳажми 3,3 млрд. долларни ташкил қилгани ҳолда, тўланган бож солиғи суммаси 500 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ҳолбуки, Буюк Британия ҳам шунча бож солиғи тўлади, аммо унинг АҚШга экспорти ҳажми 54 млрд. долларни ташкил этган эди³⁴.

МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК БЕРИЛГАН ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Валиев Шамсиддин Эшпулатович

*Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар
Университети иқтисодий ишлар бўйича проректори,
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси*

Сўнги йилларда Ўзбекистонда олий таълим соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш, нодавлат олий таълим муассасаларининг тармоқдаги ўрнини ошириш орқали мамлакатда мутахассислар тайёрлаш молиявий юкини қайта тақсимлаш сиёсати ва олий таълим муассасалари ҳамда талабаларга нисбатан солиқ ва молиявий кўмак дастурларининг изчил ислох қилиниши каби ҳолатлар фикримизни тасдиқлайди. Мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва олий таълимга бўлган талабни самарали қондириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда олий таълимни тўғри ва самарали молиялаштириш, жараён иштирокчиларининг манфаатларини тўлиқ ифодаладиган тизимни шакллантириш ҳамда олий таълим муассасаларининг барқарор молиявий ва иқтисодий фаолиятини таъминловчи механизмларни жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 24 декабридаги “Давлат олий таълим

³⁴ Юнус М., Ж.Алан. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2009. - С. 141.

муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорга асосан ҳозирда 40 нафар давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш борасида ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Қабул қилинган қарорга мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдоридан келиб чиқиб, бироқ олий таълим муассасасини ўзини ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш, истиқболда ривожлантириш ҳамда таълим хизматлари бозоридаги ўзаро рақобат асосида белгиланиши кўзда тутилган. Шундай экан ушбу олий таълим муассасалари учун яқин келажакда тўлов шартнома нархлари ва харажатларга тегишли асосий омилларни ҳамда хусусиятларни тўғри ва аниқ баҳолаш талаб этилади. Бизнингча ушбу жараёнларда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаш мумкин:

Биринчидан, молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасалари ўртача харажатларга таъсир этувчи асосий омилларни тўғри баҳолаши лозим бўлади. Бунда маълум стандартларни таъминлаш орқали эришиладиган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари, олий таълимда иш ҳақлари динамикаси ҳамда нархлар ўзгаришлари каби омиллар давлат олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлиги ва режалаштирилишида алоҳида эътибор қаратилиши лозим омиллар сифатида кўрилиши лозим.

Иккинчидан, барча молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасалари эндоген омил сифатида молиявий тақчиллик, даромадлар тақчиллиги ва уларга таъсир этувчи экзоген омилларни тўғри баҳолаши талаб этилади. Ушбу ҳолатда молиявий тақчилликни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар тақчилликни вақтинчалик юмшатовчи нобарқарор тушумлар (табақалашган шартномалардан тўловлар, қабул квоталарининг юқори талаб вақтидаги нисбатан тўсиқларсиз таъминланиши каби) ортига беркиниши мумкин бўлган жиҳатларни албатта ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, тўлов шартнома нархларининг тўғри (бевосита) харажатларга нисбатан ҳамда таълим бозоридаги талаб ва таклифга нисбатан таъсирчанлигига эришилиши масаласи ижобий ҳал этилиши лозим. Ушбу жараёнда муайян таълим йўналишлари бўйича маржа миқдорлари ва таълим йўналишлари бўйича тўғри харажатлар шаклланиши кўрсаткичлари ҳисобга олиниши муҳим жиҳат дея қаралиши керак.

Молиявий ўзини ўзи таъминлаш борасида олий таълим муассасаларининг тушумлари таркибини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.



1-расм. Ўзбекистонда 2017-2022 йилларда олий таълим муассасаларида тушумлар таркиби ўзгариши (фоизда)³⁵

2019 йилда нархларни эркинлаштириш ва ошириш борасида амалга оширилган ислохотлар замирида 2020 йилда олий таълим муассасаларида тўлов шартнома асосидаги тушумлар улуши яхши таъминланишига эришилган (1-расм). Аммо сўнги йилларда тўлов шартнома нархларининг сурункали “музлатилиши” натижасида жами тушумларда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар улуши ортиши кузатилган. Ҳозирда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасалари олдида мустақил нарх белгилаш тартибларини оқилона ишлаб чиқиш, уларда харажатларни ҳисобга олиш ва ташқи муҳитга мослашиш вазифаси турибди.

Шунингдек, нархлар белгиланиши ва тўғри харажатларга нисбатан олий таълим муассасаларининг ўзини ўзи молиялаштириш имкониятларини таъминлашда талабаларга молиявий кўмак дастуларининг самарали жорий қилиниши, олий таълим муассасаларининг пассив тушумларининг яхшиланиши ҳамда уларнинг иқтисодий миқёс ва иқтисодий хилма хиллик самараларига нисбатан оқилона мослашувчанлиги каби омиллар ҳам уларнинг молиявий барқарорлигида баҳоланиши муҳим бўлган категориялар ҳисобланади. Молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида ташқи донорлар, ҳомийлар ва субсидиялаш тартиблари ҳам қайд этилган омилларга мос равишда ҳисобга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳат шундан иборатки, бунда давлат олий таълим муассасалари тармоқ учун соғлом рақобат муҳитини таъминлайдиган ва монополь ҳукмронликнинг салбий оқибатларини олдини оладиган нархлар ва молиялаштириш сиёсатини юзага чиқариши талаб этилади.

Молиявий ўзини ўзи таъминлаш масаласи тармоқда иқтисодий самарадорликни оширишга тегишли чора-тадбирлар ва бошқарув самарадорлигини ошириш, шунингдек олий таълим муассасаларида мавжуд жараёнларни рақамлаштирилишини ҳам назарда тутати.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ижтимоий соҳалар иқтисодиёти ва молияси департаменти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Хулоса қилиб айтганда, молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида молиявий ўзини ўзи таъминлаш масаласи харажатларни тўғри тартибга солиш, нарх сиёсатини оқилона ишлаб чиқиш, молиявий тақчилликни бартараф этиш учун етарлича дастакларга эга бўлиш имкониятлари яхши таъминланиши талаб этилади. Шу мақсадда тақчиллик омилларини тушунтирувчи экзоген омилларни тўғри истиқболлаш ва уларга таъсир этиш механизмларини ишлаб чиқиш ушбу олий таълим муассасалари молиявий стратегиясида асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар дея қаралиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ташходжаев М. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида молиявий бошқарувнинг самдорлигини белгилаб берувчи омиллар таҳлили // *Economics and Innovative Technologies*. – 2023. – Т. 11. – №. 4. – С. 118-128.
2. Рустамова Д. Д. Ўзбекистонда олий таълим тизимини молиялаштириш масалалари // *Современное образование (Узбекистан)*. 2014. №8.
3. Курбонов Ж.Ю. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш масалалари // *Инновацион технологиялар*. 2021. №4 (44).
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик портали – www.lex.uz

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕТА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ В
СООТВЕТСТВИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ
ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ**

Кудбиев Давлатбай

*Ферганский политехнический институт,
д.э.н., профессор кафедры “Бухгалтерский учет и аудит”,
Мамарасулов Диёрбек Алижон угли
Ферганский политехнический институт, докторант*

При учете основных средств, прежде всего, необходимо придерживаться учетной политики. Учетная политика понимается руководителем хозяйствующего субъекта как совокупность методов бухгалтерского учета, ведения и составления отчетности в соответствии с принципами и правилами. Спрос на финансовую отчетность, представляющую собой отчет, составленный на основе правил международных стандартов финансовой отчетности, растет все больше и больше [1]. И преимущества узбекских компаний, которые заставляют акционеров и менеджеров работать, основываясь на международном опыте, и думать об этом, немалы [2].

Единственная причина заключается в том, что на основе отчета, составленного по МСФО, открывается путь к получению банковских кредитов на более выгодных условиях, компаниям предоставляется доступ к международным рынкам капитала. Кроме того, переход на международные стандарты финансовой отчетности стимулирует